

А Ж Р И М

(ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

Protected by PDF Anti-Copy Free

2021 йил декабрь ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Бўстон туман суди, суд биносида очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматовнинг раислигида судья ёрдамчиси А.Абдурайимовнинг котиблигида, тарафларда адвокат А.Олимидинов, судланувчи А.Олимов ва прокурорининг ёрдамчиси А.Олимидинов, судланувчи А.Олимов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Олимидинов, жабрланувчи Х.Сафаров ва унинг вакили, адвокат А.Рустамовнинг иштирокида, Олимов Арслонбек Фазлиддин ўғлига оид 1-1706-2101/ 159-сонли жиноят ишени кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Олимов Арслонбек Фазлиддин ўғли (Olimov Arslonbek Fazliddin o'g'li) - 1996 йил 27 июнь куни Бўстон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бўстон тумани, “Маориф” МФЙ, Узумзор кўчасида яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2021 йил 19 ноябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Олимов Арслонбек Фазлиддин ўғли 2021 йил 2 сентябрь куни Бўстон туман марказида Х.Сафаров билан йўловчи талашиб жанжаллашиб, сўнг Деҳқонобод МФЙ Соё бўйи кўчасида бир-бирини уриб, қасддан Х.Сафаровни ўнг қўл бармоғини қайириб синдириб, ўртача оғир тан жароҳати етказганликда айбланган.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Андижон филиалининг 2021 йил 13 сентябрдаги 6177-сонли ҳулосасида Х.Сафаровда ўнг қўл 4-бармоқ фалангасини ўрта учлигидан ёпиқ синиб силжиши аниқланиб, соғлиқнинг 21 кундан кўпроқ вақтга бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғир тан жароҳатлар дажарасига кириши кўрсатилган.

Жабрланувчи Х.Сафаров суд мажлисида, судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, А.Олимов томонидан содир этилган жиноят натижасида етказилган зарардан тўлиқ воз кечгани, унга нисбатан ҳеч



қандай даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, А.Олимовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судланувчи А.Олимовнинг қилишида, судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, аққул тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилган қилмишининг оқибатларини англаб етгани, жабрланувчи зарардан тўлиқ воз кечгани, у билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олгани, ўртадаги ярашувга рози эканини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Х.Сафаров ҳамда судланувчи А.Олимовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бўстон туман прокурорининг ёрдамчиси У.Низомиддинов, ҳимоячи адвокат А.Рислиқовнинг фикрларини эшитиб, судланувчи А.Олимовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи етказилган зарардан тўлиқ воз кечгани, унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, жабрланувчи ҳамда судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, судда ўзаро ярашув ҳақида ўз ихтиёрлари билан ариза ёзиб берганликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, А.Олимовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Х.Сафаровга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисми билан айбланган Олимов Арслонбек Фазлиддин ўғлига оид 1-1706-2101/159-сонли жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги



муносабати билан тугатилсин ва А.Олимов жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Protected by PDF Anti-Copy Free

Судланувчи А.Олимовга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаров учун Андижон вилояти ИИБнинг "Ипотекабанк" АТИБ Андижон филиалига топширилган 5.400.000 сўм пул маблағи ажрим қонуний кучга киритилган сўнг гаров қувчи Г.Азимовага қайтарилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

"Ажрим нусхаси аслига тўғри"

Жиноят ишлари бўйича

Бўстон туман судининг раиси

М.Рузиматов



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М
Protected by PDF Anti-Copy Free

2021 йил декабрь ойининг 6 кунини жиноят ишлари бўйича Бўстон туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматовнинг раислигида судья ёрдамчиси М.Рахимовнинг котиблигида, тарафларда адвокат А.Олимов ва адвокат А.Рислиқовнинг прокурорининг ёрдамчиси А.Миддинов, судланувчи Х.Сафаров ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Олимов, жабрланувчи А.Олимов ва унинг вакили, адвокат А.Рислиқовнинг иштирокида, Сафаров Хуршидбек Таваккалжон ўғлига оид 1-1706-2101/159-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Сафаров Хуршидбек Таваккалжон ўғли (Safarov Xurshidbek Tavakkaljon o'g'li) - 1999 йил 16 сентябрь кунини Бўстон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, муқаддам судланмаган, уйланмаган, Бўстон тумани, "Чорвадор" МФЙ, Бешқўрғон кўчаси, 68-уйда яшайди, уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 19 ноябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокараси, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Х.Сафаров 2021 йил 2 сентябрь кунини Бўстон туман марказида А.Олимов билан йўловчи талашиб жанжаллашиб, сўнг Деҳқонобод маҳалласи Сойбўйи кўчасидан оқиб ўтган сой бўйига бориб, бир-бири билан муштлашиб, А.Олимовни юз, биқин соҳаларига уриб тепиб, хаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Андижон филиалининг 2021 йил 10 сентябрдаги 6178-сонли хулосасида А.Олимовда қўш жароҳатлар: кўкрак қафасининг ёпиқ шикасти, чап томонлама пневмоторакс, чап томонлама кўплаб қовурғаларини синишлари, чап ўпкани пастки бўлагини лат ейиши, нафас етишмовчилиги 1 даражаси, кўкрак қафаси чап томони, бош, ўнг қулоқ супраси ва чап кўз пастки қовоқларини лат ейиши, юзини чап ёноғида, ўнг қулоқ супрасида, чап кўз қовоқларида қонталашлари аниқланиб, хаёти учун хавфли оғир шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Х.Сафаров суд муҳокамасида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2021 йил 2 сентябрь кунини соат 14.00ларда Бўстон туман марказида



А.Олимов билан йўловчи ташиш масаласида гап тортишиб қолишгани, шу куни эртада ҳам ушбу ҳолат юзасидан жанжаллашишгани, А.Олимов унга ҳеч ким йуқ жойга сой бўйи томонга бориб гаплашиб олишларини айтганида ўзининг машинасида уша жойга боришгани, йўлда кетишда А.Олимов уни шахсиятига тегадиган гаплар билан ҳақорат қилиб келгани, машинадан тушганида А.Олимов уришмоқчи бўлиб олдига келганда юзига бир мушт тушганидан кейин биқинига бир икки маротаба тепгани, ерга йиқилиб тушганида А.Олимовни бўйнидан қўллари билан маҳкам бўғиб олганида бармоғини қайириб юборгани, шунда оғриқ сезгани, А.Олимовни чаккасига урганида қўлини синдириб олмагани, у нотўғри гапираётгани, кейин А.Олимовни машинасида туман марказига ташлаб қўйгани, жанжални А.Олимов ўзи бошлагани, сой бўйи томонга ҳам у бошлаб боргани, ўзи А.Олимов билан уришмоқчи бўлмагани, чунки ёши ундан кичик бўлгани, ҳозирда А.Олимов билан ярашиб олишгани, бир-биридан кечирим сўрашгани, уни ўзида ҳам жароҳат бўлгани сабабли ўзлари алоҳида даволанишганини билдириб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик сўради.

Жабрланувчи Олимов Арслонбек Фазлиддин ўғли суд муҳокамасида 2021 йил 2 сентябрь куни туман марказида йўловчи ташиш билан шуғулланиб турган вақтида унга нотаниш бўлган кейин танигани Х.Сафаровни ҳам йўловчи олаётганини кўргани, олдига бориб шу масалада гап тортишиб қолишгани, кейин соат 14.00ларда у билан яна кўришиб қолишгани, унга четроқ жойда гаплашиб олишларини айтгани, кейин унинг машинасида Сой бўйига боришгани, у ерда Х.Сафаров уни юзига, бошига мушти билан уриб юборганида зарбдан ерга йиқилиб тушгани, кейин биқинига бир неча маротаба тепганида оғриқ сезгани, кейин Х.Сафаров машинасида уни туман марказига ташлаб қўйгани, сўнг шифохога мурожаат қилгани, ҳозирда Х.Сафаров билан ярашиб олишгани, бир-биридан кечирим сўрашгани, ўзида ҳам жароҳат бўлгани сабабли ўзлари алоҳида даволанишганини, Х.Сафаровга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, қонуний енгиллик сўради.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи Х.Сафаровнинг кўрсатувини, ҳимоячи адвокат А.Рустамов, А.Рислиқовнинг фикрларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Х.Сафаровнинг жиноят содир этганликдаги айбига иқдор бўлиб берган кўрсатуви, аризалар, тушунтириш хатлари, экспертиза хулосалари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида баданга шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозимлиги ҳақида, 2-бандида



баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабаби боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар билан аниқланиши лозимлиги ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексининг 110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддаларнинг ҳар қандайдиги позициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқиши, агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавfli эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламаса-да, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилиниши ҳақида, тушунтиришлар берилган.

Судланувчи Х.Сафаровнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, чунки, у А.Олимовни қасддан уриб, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир шикаст етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин.” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи Х.Сафаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни паст ниятда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавfliлик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган ЖК 104-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, Бўстон туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик мажбуриятини юклашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан Х.Сафаровни уй қамоғида бўлган вақтини уй қамоғининг бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблашни лозим топади.



Жабрланувчи А.Олимовни судланувчи Х.Сафаровга даъвоси йўқлигини инобатга олинган ҳолатда қарор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Қ И Л А Д И

Судланувчи Сафаров Хуршидбек Таваккалжон ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи Сафаров Хуршидбек Таваккалжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддасининг 1-қисми билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан Х.Сафаровни уй қамоғида бўлган вақтини (27 кун) уй қамоғининг бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, ўташ учун 2 (икки) йил 11 (ўн бир) ой 3 (уч) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи Х.Сафаровга сутканинг соат 22:00дан соат 06:00гача бўлган вақтда яшаш жойидан чиқиши чеклансин. Х.Сафаровга озодликни чеклаш жазосини Бўстон тумани, “Чорвадор” МФЙ, Бешқўрғон кўчаси, 68-уйда ўташи белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар юклатилсин:

Бўстон туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижросини назорат қилиш Бўстон туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи Х.Сафаров Бўстон туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Х.Сафаровга нисбатан қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Олимовни судланувчи Х.Сафаровга даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо)

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича
Бўстон туман судининг раиси

М.Рузиматов

